



АЛИМОВА Махфуза,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди mahfuzaalimova@iia.uz

ИМОМ ДОРИМИЙНИНГ ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ ИМАМА ДАРИМИ В РАЗВИТИИ ИСЛАМСКИХ НАУК

THE ROLE OF IMAM DARIMI IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES

Аннотация. Ислам илмлари ривожига Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимлар пешқадам бўлдилар. Улар орасида Имом Доримий ҳам ҳадис илмининг ривожига катта ҳисса қўшди. IX асрда Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган етук муҳаддис, аллома, тафсир, илми осор, илми ҳадис каби фанлар соҳиби Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром Тамимий Самарқандий Доримий (798-869/181-255) нинг ҳаёти ва унинг илмий асарларини ўрганиш, хусусан, “Сунан” асарини тадқиқ этиш маданий меросимизни янада чуқурроқ ўзлаштиришда, халқимиз маънавий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Таянч сўзлар: Мовароуннаҳр, Самарқанд, ҳадис илмлари, олий иснод, ишончли ҳадислар, тафсир, фикҳ, манбалар.

Аннотация. Ученые из Мовароуннахра и Хорасана сыграли ключевую роль в развитии исламских наук. Среди них большой вклад в развитие хадисоведения внес великий ученый имам Дарими. Важное значение имеют жизнь и научные труды имама Абу Мухаммада Абдуллы ибн Абдурахмана ибн Фазла ибн Бахрама Тамими Самарканди Дорими (798-869/181-255), который жил и творил в Мовароуннахре в 9 веке. Произведение этого мухаддиса “Сунан” играет важную роль в более глубоко освоении нашего культурного наследия и

повышении духовного потенциала нашего народа.

Ключевые слова: Мовароуннахр, Самарканд, хадисоведение, высокий иснад, достоверные хадисы, толкование Корана, исламская юриспруденция, источники.

Annotation. Scholars from Movarunnahr and Khorasan played a key role in the development of Islamic sciences. Among them, the great scholar Imam Darimi made a great contribution to the development of Hadith studies. Of great importance are the life and scientific works of Imam Abu Muhammad Abdullah ibn Abdurrahman ibn Fazl ibn Bahram Tamimi Samarkandi Dorimi (798-869/181-255), who lived and worked in Movarunnahr in the 9th century. The work of this muhaddith “Sunan” plays an important role in a deeper understanding of our cultural heritage and the enhancement of the spiritual potential of our people.

Key words: Movarunnahr, Samarkand, hadith studies, high isnad, reliable hadiths, interpretation of the Quran, Islamic jurisprudence, sources.

КИРИШ

Бугунги кунда буюк алломалар меросини ўрганиш, умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимиздан чиққан самарқандлик буюк олим Имом Доримий ислом таълимоти асосларидан бири бўлган ҳадис илмининг ривожига катта ҳисса қўшди. Маълумки, IX асрда Самарқанд нафақат Мовароуннаҳрнинг, балки умуман ислом оламининг илмий марказларидан бирига айланди. Турли ўлкалардан илм талабида олимлар келиб, ўзлари учун керакли илмларни олишга интиланлар. Олимлардан айримлари ўз юртларига қайтсалар, бошқалари шаҳарда бутунлай яшаб қолиб, ўз мактабларига асос солганлар. Тез орада Самарқанд уламоларининг мавқелари янада юксалиб, мустаҳкамланиб борди. Бу ҳолат шаҳар илмий муҳитини ривожланишига туртки бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Манбаларда Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад Тамимий Самарқандий Доримийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган айрим маълумотларни келтирилган. “Доримий” – Бану Дорим

қабиласига берилган нисбат бўлиб, унинг бобоси Дорим ибн Молик ибн Ханзала шу қабиланинг мавлоси ҳамда Пайғамбар (с.а.в.) нинг котиби эди [1:156]. Имом Доримий 798 йилда Абдуллоҳ ибн Хумайд Самарқандга волий бўлиб келган куни таваллуд топган. Шунингдек ўша йили йирик муҳаддис Абдуллоҳ ибн Муборак вафот этганлиги манбаларда қайд этилади. У ёшлик чоғлариданоқ ақл-заковати, ўткир зехни, айниқса, эслаб қолиш қобилиятининг ўта кучлилиги билан барчани ҳайратга солган. Манбаларда унинг оиласи ҳақида сўз бормасада, унинг яқинлари, қариндошлари илм аҳллари билан бўлганликлари зикр этилади. Жумладан, тоғаси Абу Усома Аҳмад ибн Муовия ҳадис ровийларидан бўлиб, унинг шогирди Абу Шуайб Исмоил ибн Махлад ал-Баррод ас-Самарқандий ҳақида Самъоний хабар берган [5: 205]. Абу Ҳафс Насафийнинг Имом Доримийнинг жияни (акасининг ўғли) Абу Аҳмад Фазл ибн Муҳаммад Доримийнинг Муҳаммад ибн Исҳоқдан ҳадис ривоят қилганлигини қайд қилиб ўтган [16: 513].

Имом Доримий дастлабки илмларини ўз юрти Самарқандда олади. Сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган марказлардан бўлмиш Фустот, Дамашк, Бағдод, Макка, Мадина шунингдек, Хуросоннинг турли шаҳарларидаги таникли олимлардан диний ва дунёвий фанлар, айниқса, ҳадис илми бўйича ўз билимларини мустаҳкамлайди [25:5].

Хатиб Бағдодийнинг шаҳарлар ва уламолар тарихига бағишланган “Тарих Бағдод” асари шу турдаги бошқа биографик қомусий асарлардан ўзининг турли маълумотларга бойлиги, аниқ далилларни келтириб ўтиши билан, шунингдек, ҳар бир маълумотни келтиришда ривоятчиларнинг тўлиқ силсиласини айтиб ўтиши билан ажралиб туради. “Тарих Бағдод”да Имом Доримийнинг ҳаёти, ижоди, устоз ва шогирдлари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Маълумотларга кўра, Имом Доримий ҳаж сафарига бориб, сафар давомида Куфада тўхтаб, Яхё ибн Абдулҳамид Ҳаммоний (ваф. 842 й.) ва бошқа муҳаддислар билан суҳбатда бўлган. Суҳбатлар кўп ҳолларда баҳс-мунозараларга айланиб, ҳадис ровийлари, иснодларнинг ишончилиги устида тортишувлар бўлган [8:123]. Натижада,

Имом Доримий Яхё Ҳаммонийнинг адолатли, ишончли ровийлигига шубҳаланиб, ўзи ҳам ҳадис ривоят қилмаган, бошқаларга ҳам ундан ҳадис олишни маслаҳат бермаган. Жумладан, Абдуссамад ибн Сулаймон Балхий (ваф. 860 й.) буюк муҳаддис Аҳмад ибн Ханбал ҳам Имом Доримийнинг сўзига таянган ҳолда Яхё Ҳаммонийдан ҳадис қабул қилиб олмаган ва уни имом деб улуғлаганлигини таъкидлайди. Ана шу ҳолат ҳам Имом Доримийнинг ровийлар борасида билими, унинг мавқеи юқори бўлганлигидан дарак беради. Бошқа томондан Бағдодий келтирган маълумотлардаги суҳбатдошларнинг ҳаёт йилларини аниқлаш орқали Имом Доримий тахминан 40 ёшларида ҳаж сафарига борган, сафар чоғида ҳам ўзининг китоблари устида тинмай изланган, деган хулосага келиш мумкин.

Илм йўлида узоқ йиллар олиб борган тинимсиз саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида Доримий ҳадис, тафсир ва фикҳ илмларининг алломаси даражасига кўтарилди ва йирик ҳадисшунос олим сифатида катта шуҳрат қозонди. У ҳақида ёзилган манбаларда аксарият муаллифлар «Имом Доримийнинг Самарқандда ҳадис ва осор илмларининг равнақ топишида улкан ҳиссаси бор», деб яқдиллик билан алоҳида таъкидлаганлар. Ўз даврининг илм аҳллари ўртасида обрў эътиборга эга бўлган Имом Доримий бир қанча муддат Самарқандда Шайхул-ислом лавозимида фаолият кўрсатган [8:6]. Шунингдек, Насафийнинг таъкидлашича, «...у табиатан вазмин, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй, инсоф ва диёнати баркамол, ҳар қандай вазиятда ақл-идрок, чуқур тафаккур ва мулоҳаза билан иш юритгани боис ҳоким томонидан Самарқанднинг қози калони (бош қозиси) лавозимига таклиф қилинади. Аллома аввалига рад жавобини берса ҳам, лекин ҳоким ўз фикрида қатъий туриб олгач, рози бўлади. Бироқ қозихонада фақат биргина иш кўрилгач, у ўзини ушбу лавозимдан озод этишларини илтимос қилади. Унинг илтимоси қондирилади ва истеъфога чиқарилиб, халифа Муътазз биллоҳидан қозилик ёрлиғини («Китоб ул-Қазо»- «اضلأ باتك» олади» [17:172]. Халифа Муътазз биллоҳ 866-869 йиллар ҳукмронлик қилгани маълум [27:148]. Шундай экан, Имом Доримийни бош қози лавозимига таклиф

килиниши ва унга юборилган ёрлик умрининг охирги йилларида рўй берган воқеалардандир.

Хатиб Бағдодий Имом Доримийнинг вафоти ҳақида икки хил маълумотни келтиради. У дастлаб Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандийнинг Имом Доримий хижрий 250 (мил.864) йилда вафот этганлиги ҳақидаги маълумотини келтириб, уни нотўғри, деб кўрсатади. Сўнгра Муҳаммад ибн Саййорнинг: «... у 255 йили 75 ёшида Тарвия куни асрдан сўнг вафот этиб, жума арафа куни дафн этилган» мазмундаги маълумотни бериб, уни тўғри деб айтади [4:22]. Бағдодийнинг охирги маълумоти бошқа манбалардагилар билан мос келади. Жумладан, Насафий ҳам Имом Доримий 75 йил яшаган, хижрий 255 йили аср намозидан кейин Тарвия куни (ҳожиларга Зам-зам сувини ичириладиган кун) вафот этган ва Арафа куни (жума куни) Чокардиза қабристонида дафн қилинган. Унга Самарқанд амири Аҳмад ибн Яҳё ибн Асад жаноза ўқиган, деб кўрсатади [17:173]. Ушбу сана милодий ҳисобда 869 йил 18 ноябрь кунига тўғри келади [2:60].

Имом Доримийнинг дафн этилган мавзелари ҳақида ҳозирда турли хил фикрлар мавжуд. Шамсиддин Заҳабий “Тарих ал-ислом” асарида олимнинг укаси Иброҳим ибн Абдурахмон Доримий (ваф. 266/880 й.) нинг Самарқандда вафот этганлиги ҳамда акасининг ёнига дафн қилинганлиги ҳақида маълумот беради. Нажмиддин Умар Насафий Имом Доримийни Чокардиза қабристонида дафн қилинган, унга Самарқанд амири Аҳмад ибн Яҳё ибн Асад жаноза ўқиган, деб айтса, Абу Тоҳирхожанинг «Самария» китобида Имом Доримийнинг қабри Тойлоқ туманидаги Испандий қишлоғида, деб келтирилади [7:56]. Аммо айрим китобларда муҳаддис Марвда шаҳрида дафн қилинганлигини таъкидланади [15:149]. Шунингдек, Ш.Бобохонов ҳам уни Марвда вафот этиб, ўша ерга дафн қилинганлиги ҳақида маълумот берган [11:157]. Эҳтиром юзасидан Имом Доримийнинг жанозасини Самарқанд амирининг шахсан ўзи ўқиганлиги ҳамда укасининг дафн этилган жойи ҳақидаги маълумотлар олимнинг қабри Самарқандда эканлигига далолат қилади. 2000 йилда Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Испандий қишлоғида Имом Доримий макбараси ва Жоме’ масжиди қурилди.

Имом Доримийнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига оид маълумотларни ўзбек олимларидан биринчилардан бўлиб, Ш.Бобохонов ва У.Уватовларнинг рисоаларида ёритганлар [10:115]. Исломуноқ олим Шамсиддин Бобохонов Имом Доримийни “*сиҳоҳ ситта*”даги олтинчи ўринни Ибн Можа билан (бир ўринда) бўлишиб турган буюк муҳаддис сифатида таърифлаб, Имом Аҳмад ибн Ханбал ва унинг ўғли Абдуллоҳ ўртасидаги бўлган ўзаро суҳбатни келтиради. Унда Имом Доримийни хуросонлик энг машҳур 4 та муҳаддисларнинг бири сифатида айтиб, унинг ҳадис ровийларининг билиш бўйича энг моҳир муҳаддис эканлиги таъкидланади.

Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг “Имом Доримий” номли мақоласида муҳаддиснинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросига оид кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилиб, Абдуллоҳ Доримий ҳамда Имом ал-Бухорий ўртасидаги самимий муносабат ҳақида маълумот берилади. Унда Имом ал-Бухорийнинг Имом Доримийнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб, оғир қайғуга ботганлиги, икки муҳаддиснинг бири-бирига эҳтироми чексиз бўлганлиги ҳақида сўз боради [26:7]. Ўз навбатида Имом Доримий ҳам Имом ал-Бухорийни буюк муҳаддис олим сифатида улуғлаб: “Мен Макка, Мадина, Хижоз, Шом, Ироқдаги уламоларни кўрдим, лекин улар орасида Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорийдан кўра кўпроқ ҳадис жамлаган кишини кўрмадим” деб айтган [9:18]. Имом ал-Бухорий ўзининг «ат-Тарих ал-Кабир» асарида Имом Доримийдан ҳадис ривоят қилган, шунингдек, баъзи ўринларда ровийларнинг тарихига оид маълумотларни беришда унга таянган [14:113]. Д.Раҳимжонов Самарқанд ҳадис илми тараққиётида ҳофизларнинг хизматлари ҳақида гапириб, минглаб ҳадисларни ёддан билган муҳаддислардан бири сифатида Абу Муҳаммад Доримийни тилга олади [20:16]. У тадқиқотида муҳаддиснинг Самарқанд ҳадис мактаби учун аҳамиятини кўрсатиб, Абу Ҳафс ан-Насафий ўз асарида 52 жойда зикр этганлиги айтиб ўтади. Тадқиқотчи А.Абдуллаев эса уни Мовароуннаҳрда Куръонни Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари, саҳобий ва тобиий сўзлари асосида шарҳлаш бўйича яратилган илк тафсир

намунасининг муаллифи сифатида тилга олади [3:13]. Барча маълумотлар Имом Доримий тафсир ва ҳадис илмларининг пешволаридан бири бўлганлигига далолат қилади.

Имом Доримийнинг илмий-маънавий мероси ҳақида турлича маълумотлар келтирилади. Унинг “Сунан” номи билан танилган “Муснад” (луғавий маъноси “Таянч” ёки “Иснодли ҳадислар тўплами”), тафсир илмига оид “ат-Тафсир”, «ал-Жоми’» (“Тўплам”), шунингдек, «ас-Сулосиййот фи-л-ҳадис» (“Уч ровийли ҳадислар тўплами”), фикҳ илмига оид «Китоб ас-сунна фи-л-ҳадис» (“Ҳадисдаги суннат амаллар ҳақида китоб”) ва «Китоб саум ал-мустаҳозот ва-л-мутаҳаййирот» (“Узрли аёлларнинг рўзаси ҳақидаги китоб”) каби асарлари мавжуд бўлган [21:6].

Абдулкарим Самъонийнинг “Ал-Ансоб” асарида унинг “Муснад”, «ат-Тафсир» ва «ал-Жоми’» асарлари ҳақида маълумот келтирилган [6:504]. Жалолуддин ас-Суютийнинг берган маълумотларига кўра, Имом Доримийнинг ҳозирга қадар «ал-Жоми’» ва «ал-Муснад» асарларигина етиб келган [12:174]. Лекин кўп тадқиқотчилар бу икки асарни бир – “ал-Муснад ал-Жоми’”, яъни иккиси бир асар деб таъкидлайдилар. Турк тадқиқотчилари Сулаймония кутубхонасида сақланаётган нусхаларга кўра, уни “Ал-Муснад” деб атайдилар [23:54] ва ушбу асарга Абу Осим Набил ибн Ҳошим ал-Ғамрий томонидан “Фатҳ ал-Маннон” номли шарҳ ёзилган [19:576]. Худди шу муаллиф томонидан “Итмом ал-ихтимом би муснад Аби Муҳаммад ибн Баҳром” номли тадқиқот ҳам нашр этилган [18:2].

Имом Доримий ҳақида замондош уламолар ва уларнинг издошлари ўзларининг самимий фикрларини билдирганлар. Буюк муҳаддиснинг шаънига айтилган кўплаб эҳтиромлар манбаларда зикр этилган:

1. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Доримий илм аҳлига имом (йўлбошчи) эди».

2. Имом Доримийга устозлик қилган Ҳофиз Муҳаммад ибн Башшор шундай деб айтган: «Дунё ҳофизлари тўрттадир: Райда Абу Зуръа, Нисобурда Имом Муслим, Самарқандда Доримий, Бухорода эса, Имом ал-Бухорийдир».

Имом Заҳабий Ҳофиз Башшорнинг бу сўзларини қуйидагича талқин қилади: «Уларнинг ҳаммаси менинг шогирдларим мен улар билан фахрланаман.

3. Имом Доракутний айтади: «У ровийларнинг энг ишончлиларидан эди».

4. Ҳофиз ар-Рижоъ: «Доримийдан кўра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини яхши биладиган муҳаддисни кўрмадим», деганлар.

5. Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мансур Шерозий бундай деб эътироф қилган: «Имом Доримий комил муфассир эди».

«Имом Доримий ақлда, фаҳмда, фазлда, динда етук эдилар. У зотнинг ёдлашлик зехнлари, ҳалимликлари, босиқликлари, тиришқоқликлари, дунёда зоҳидликлари, ибодатлари зарбулмасал қилинганлири» [15:147].

6. Зулайм ибн Ҳутайт: «Мен Мағриб вилоятларидан қайси бирида бўлмайин, барчасида Абдуллоҳ ибн Абдурахмон (Доримий) нинг Самарқанддагидан кўра машҳурроқ эканлигини билдим», дейди.

7. Абд ибн Ҳумайд эса бундай дер эди: «Абдуллоҳ (Доримий) бизнинг устозимиздир. Дунёда унингдек (аллома) мавжуд эмас».

8. Исҳоқ ибн Роҳавайх бундай дейди: «Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ўзидаги ҳадисларни ҳам, ўзгалардаги ҳадисларни ҳам ёддан билур». (Унинг “Китаб ас-Сунан фи-л-фикҳ”, “Китаб ал-Муснад”, “Китаб ат-Тафсир” асарлари бор.)

9. Ибн Абу Шайба: “Абдуллоҳ ибн Абдурахмон бизни уч хусусда: ақл, қувваи ҳофиза ва вазминлик борасида енгди”, дейди.

Имом Доримий ҳақида унинг замондошлари ҳамда уламоларнинг кейинги авлодлари томонидан билдирилган ушбу фикрлар, эътирофлар унинг мавқе қанчалик юқори даражада бўлганлигидан далолат беради.

Манбаларда Имом Доримийнинг “Китоб ат-Тафсир” – Қуръони карим тафсирига оид асари бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Имом Доримий ушбу асарида Қуръонни тўлиқ тафсир қилганми ёки айрим жузлариними, бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Бироқ ушбу асарнинг тарихий аҳамияти катта. Чунки у бизгача етиб келган биринчи тафсир, деб ҳисобланган Ибн Жарир Табарийнинг (224-310/839-922) тафсиридан тахминан ярим аср илгари ёзилган асардир. Шунингдек, Имом Доримий “Сунан”ида Қуръони каримнинг 51 сурасига тегишли турли оятларни ҳадислар орқали шарҳлангани унинг муфассирлигига далолат қилади.

Аллома ижодининг яна бир маҳсули – “ал-Жоми” – “Тўплам” асаридир. Ушбу асар ҳам қатор манбаларда зикр этилсада, унинг қўлёзма ёки тошбосма нусхалари топилмаган.

Имом Доримийнинг “ас-Сулосиййот фи-л-ҳадис” – “Уч ровийли ҳадислар тўплами” номли асари ҳам мавжуд. Муҳаддиснинг ушбу асари “Сунан”нинг таркибига киритилган ўн беш ҳадисдан иборат бўлган тўплам бўлиб, уч ровийли иснодга эга бўлган ҳадислардан таркиб топган.

Алломанинг фикҳий масалаларга бағишланган “Китоб ас-сунна фи-л-ҳадис” – “Ҳадисдаги суннат амаллар ҳақида китоб” номли асари ҳам қатор манбаларда қайд этилсада, бугунги кунга қадар етиб келмаган.

“Китоб саум ал-мустаҳозот ва-л-мутаҳаййирот” – “Ўзрли аёлларнинг рўзаси ҳақидаги китоб”. Муҳаддиснинг ушбу охириги асари ҳақида манбаларда турли фикрлар мавжуд. Араб тадқиқотчиси шайх Муҳаммад Абдулазиз Холидий ушбу асарни “Ҳадиййат ал-орифийн”да келтирилган маълумотга асосланиб, Имом Доримий асарлари қаторига киритади. Лекин бошқа манбаларда Имом Доримийнинг бу номдаги асари мавжудлиги ҳақида маълумот берилмайди. Ҳожи Халифа эса бу асарни машҳур фақиҳ Абул Фараж Муҳаммад Доримий Бағдодийга (358-449/969-1057) мансуб эканини қайд этади.

“Сунан” номи билан танилган “Муснад”и (луғавий маъноси “Таянч” ёки “Иснодли ҳадислар тўплами”) – олимнинг шоҳ асари ҳисобланади. У мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган деярли барча ҳолат (масала)ларни ўз ичига олган кенг қамровли асардир. Олимлар “Сунан”нинг номланишига турлича муносабат билдирадилар. Ҳофиз ал-Ироқий, Имом аз-Заҳабий асардаги барча ҳадислар тўлиқ иснод билан берилгани учун уни “ал-Муснад”, Алоуддин Муғултоий ҳадисларининг ишончлилиги даражасидан келиб чиққан ҳолда “ас-Саҳиҳ”, Ибн Ҳажар ва Суютий каби бошқа уламолар фикҳий ҳадислар тўплами бўлганлиги боис “ас-Сунан” деб атайдилар. Бироқ айрим тадқиқотчилар муаллиф асарини умумий ном билан атаганини тахмин қиладилар. Чунки Имом Бухорий ўзининг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад ал-мухтасар мин

умури Расулиллоҳи ва сунаниҳи ва аййомихи” (“Расулуллоҳ (с.а.в)нинг ишлари, суннатлари ва кунларидан қисқартирилган ишончли муснад тўплами”) деб номлаган. Имом Муслим ҳам ўз “Саҳиҳ”ини “ал-Муснад ас-саҳиҳ” (“Ишончли муснад”) деб номлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим олимлар Имом Доримий ҳам асарини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад лисунан Расулуллоҳ с.а.в.” (“Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларининг ишончли муснад тўплами”) деб ном берган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирадилар. Аммо асарнинг фикҳий бобларга бўлиб ёзилганлиги, унда турли (марфуъ, мавкуф, мақтуъ) ҳадисларнинг мавжудлигини эътиборга олиб, уни “Сунан” деб аталиши тарафдори бўлган уламолар кўпчиликини ташкил этади. Шундай бўлса-да, асарга берилган барча номлар ҳақли равишда, унинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб қўйилган, дейиш мумкин.

Кейинги даврларда бу асар “Сунан Доримий” номи билан танилиб, айнан шу ном билан ҳозирга қадар етиб келган. Ибн Ҳажар Асқалоний каби баъзи олимлар Имом Доримийнинг “Сунан”ини “*Сихоҳ сунта*”нинг олтинчи китоби сифатида қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд қўлёзма фондларидан “Сунан”нинг қўлёзмаси топилмади. Лекин Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд эканлиги маълум бўлди. Маълумотларга кўра, мазкур кутубхонада Имом Доримийнинг “Муснад Доримий” асарининг 1703 йилга оид 2 қўлёзмаси [13:1] ва Низомий матбаасида чоп этилган 1876 йилга оид 2 тошбосма нусхаси [24:1] сақланади. Ҳар икки қўлёзманинг хаттоти номаълум бўлиб, насх хатида кўчирилган. Тошбосма нусхалари эса 446 ва 447 саҳифалардан иборат бўлиб, бир йилда ва бир хил Канпур (Kanpur) тошбосмасида чоп этилган. Илмий изланишлар натижасида олинган маълумотларга кўра, “Муснад”нинг яна икки қўлёзма нусхаси 253 ва 254-рақамлар остида сақланганини аниқланди. Биринчи қўлёзма тахминан XIII асрга оид бўлган, насх хатида кўчирилган. Ушбу нусхада XIV асрдан Имом Доримийгача бўлган ровийлар силсиласи аниқ берилган. Иккинчиси 1810 йилга оид бўлиб, настаълиқ хатида ёзилган. Манбаларда ушбу нусхалар ичида Мурат Бухори ҳамда Раисул-куттаб фондларида сақланаётган қўлёзмалар нисбатан тўлиқроқ экани қайд қилинган.

Имом Доримийнинг “Сунан” номи билан машхур бўлган асари олти мўътабар китоблар даражасидаги асардир. Турк олимларидан Абдуллоҳ Айдинли “Сунан” асари устида илмий тадқиқотлар олиб борган ва уни турк тилига таржима қилиб нашр эттирган. Мазкур нашрда “Сунан”нинг ровийларига алоҳида аҳамият берилган ва тадқиқотчи IX асрдан XV асргача бўлган ровийлар занжири, ҳар бир муҳаддис-ровийлар ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтган. Имом Доримийдан “Сунан”ни ривоят қилган ровий Исо ибн Умардан то Муҳаммад Асилгача бўлган ровийлар сони ўнтани ташкил қилган. Ушбу ровийлар занжири “Сунан”нинг Мисрдаги нашрида келтирилган ровийлар билан бир хил бўлиб, фақат охири ровий Муҳаммад Асил қўшимча қилинган, лекин Абдуллоҳ Айдинли ушбу ровий ҳақида тўлиқроқ маълумот бермаган.

Маълумки, Имом Доримий ўз асарини бир гуруҳ шогирдларига имло қилдирган. Бу ҳақда асардаги айрим фикҳий масалалар юзасидан устоз ва шогирдлар ўртасида бўлган ўзаро савол-жавоблар орқали маълумот олиш мумкин. Асарни нашрга тайёрлаган олимлар китобнинг кириш қисмида ҳар бир ровийни ўзига хос бўлган алоҳида унвон ва даражалари билан тавсифлаб, уларнинг тўлиқ исм-шарифларини келтириб ўтганлар. XV асрга оид қўлёзма асосида чоп этилган нашрларда Имом Доримийдан “Сунан”ни тўлиқ ёд олган ва уни кейин ривоят қилган ровий, машхур муҳаддис – Исо ибн Умардан то XV-XVI асрларда яшаб ўтган Муҳаммад Асилгача асар ўн ровий силсиласи орқали етиб келгани кўрсатилган.

“Сунан”нинг 1996 йилда шайх Муҳаммад Абдулазиз Холидий томонидан Байрутда “Дор ал-кутуб ал-илмийа” матбаасида чоп этилган замонавий нашри мавжуд. Холидий асарни тадқиқ этиш жараёнида “Сунан”да келтирилган Қуръон оятларини аниқлаб, сура ва оят рақамларини алоҳида қавсда келтиради. Асардаги ҳадисларни “*Сихоҳ сунна*”, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад”и, Молик ибн Анаснинг “Муваত্তоъ”сида келган ҳадислар билан қиёслаб, агар ҳадис бошқа китобларда келган бўлса, иқтибосда у ҳақдаги тўлиқ маълумотни келтириб ўтади. Шунингдек, асардаги ҳадислар, боблар, китобларни рақамлаб, уларга мундарижа ишлаб чиқади.

Мазкур асар арабларнинг исломдан аввалги баъзи одатлари, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сийратлари, ҳадисларнинг ёзилиш даври ва илм фазилатига оид жами 163 саҳифалик муқаддима ҳамда 23 та китобдан ташкил топган. “Сунан” 3506 ҳадисни ўз ичига олган 1403 бобдан иборат.

Асарнинг Муқаддимаси (مقدمة)да Муҳаммад (с.а.в.)га пайғамбарлик ваҳий нозил бўлишидан аввал жоҳилият даврида инсонларнинг ўзаро муносабатлари, Аллоҳнинг Пайғамбар (с.а.в.)га бармоқлари орасидан сув чиқариш, нотиқлик қобилияти, таомларини баракотли қилиши каби берган гўзал фазилатлар ҳақидаги боблар келтирилган. Шунингдек, фатво, олимлар, илмнинг фазилатлари ва уни қадрлаш ҳақида, илм йўлида сафар қилиш ва ундаги қийинчиликларга бардош беришлик, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадисларини таъвил қилиш ва бошқа қўплаб масалаларга бағишланган боблар берилган. Ҳар қандай даврда ҳам илм-маърифат қадрланиб, олимлар эъзозланган. Бу мавзудаги ҳадислар муқаддиманинг асосий қисмини эгаллайди. Асарнинг Муқаддима қисмидаги жами 57 бобда 649 та ҳадис келтирилган.

“Сунан”нинг замонавий нашри 2 жилддан иборат бўлиб, унинг биринчи жилди 441 боб, 1681 та ҳадисни ўз ичига қамраб, умумий ҳажми 326 бет, иккинчи жилди эса 932 боб 1822 та ҳадисдан иборат бўлиб, 382 бетни ташкил этади.

ХУЛОСА

Буюк муҳаддиснинг серқирра илмий мероси ичида алоҳида ўрин тутган, кенг қамровли “Сунан” асари асрлар давомида эъзозланиб, ҳозиргача ҳадис илмига оид энг ишончли манбалардан бири сифатида юқори баҳоланади. Уни бир қатор олимлар чуқур ўрганиб, тадқиқ этиб, ўз тилларига таржима қилганлар.

“Сунан” инсон ҳаётининг ижтимоий, ахлоқий, иқтисодий, маънавий, маданий ва бошқа жабҳаларига алоқадор бўлган жиҳатларни қамраб олган ва уларни ҳадислар орқали муайян қонун ва қоидаларда изчиллик билан акс эттирган мукамал асардир. Имом Доримийнинг мероси юртимиз илм-фани ва

маданияти тарихини чуқур ўрганиб, халқимизга етказишда, миллий қадриятларимизнинг тикланишида катта аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. (Ал-Ансоб). (VIII-XII асрда яшаган ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот). –Бухоро: “Бухоро”, 2003. – Б. 156.
2. Абдулла Аъзам. Хижрий ва милодий тақвимлар кунма-кун мутаносиблик жадваллари.-Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2007. –Б.60.
3. Абдуллаев А.Г. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсирунослигида тутган ўрни: тарих фанлари номзоди... дис.автореф. –Т., 2007. –Б.13.
4. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарих Бағдод. 10 жилд.-Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. 1427/2006. –Б.22.
5. Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Сам‘оний. Ал-Ансоб: 1 жилд. -Мактабат мишкот ал-исламийа,. -Б.205.
6. Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Сам‘оний. Ал-Ансоб: 3 жилд. -Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1419/1998.-Б.504.
7. Абу Тохирхожа. Самария. -Т.:1991. – Б. 56.
8. ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарих Бағдод. Т. 14. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1997. – Б. 123.
9. ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарих Бағдод. 2-жузъ. -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. -Б.17-18.
10. Бабаханов Ш. Имам ад-Дареми // Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами. -Т., 1998. – Б.115.
11. Бабаханов Ш. Становление хадисоведения и выдающиеся мухаддисы Средней Азии.// Исследования по истории науки и культуры народов Средней Азии.-Т.:Фан,1993,-Б.157.
12. Жалолиддин ас-Суютий. Тадрибу-р-ровий фи шарҳ тақриб ан-нававий. -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1979.–Б.173-174.
13. Қўлғезма – Murat Buhari / 82 /10 ҳамда Reisulkuttab 257 фондларида сақланади.
14. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ат-Тарих ал-кабир. 8-жузъ. -Б.3; 28; 37; 113.
15. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. Муқаддима. 1 жуз. -Т.:Шарқ, 2003.-Б.149.
16. Нажм ад-дин ‘Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Китоб ал-қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд. /Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. -ал-Мамлака ал-‘Арабийа ас-Су‘удийа: Мактабат ал-Кавсар, 1412/1991.- Б..513.
17. Нажмиддин Умар ан-Насафий. Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд. –Б.172-173.
18. Нубайл ибн Ҳошим ал-Ғамрий. Итмом ал-ихтимом бимуснад Аби Муҳаммад ибн Баҳром. Байрут: Дор Қуртуба, 2001.
19. Нубайл ибн Ҳошим ал-Ғамрий. Фатҳ ал-маннон. Шарҳ ал-муснад ал-жомеъ ли Аби Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон. -Байрут: Дор ал-башоир ал-исламийа. 1999 й. 576 б.
20. Раҳимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма’рифати ‘уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: тарих фанлари номзоди... дис.автореф. -Т., 2003. – Б. 16.
21. Сунан Доримий. 1-ж.-Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. -Б.6.
22. Сунан Доримий. 1-жузъ. – Қоҳира: Дор Ихйа’и-с-суннати ан-нававийати.(йили кўрсатилмаган.). -Б.2.
23. Сунани Доримий.//Таржима ва таҳқиқ доктор Абдуллоҳ Айдинли. 1 ж.-Истанбул: Мадве йайинлари.1994. – Б.54.
24. Тошбосмаси – Tirnovali 343 ҳамда Izmirli I. Nakki 323/ 2 сақланади.
25. Уватов У. Имом Доримий // Халқ сўзи. 29.07.99
26. Уватов У. Имом Доримий // Буюк алломаларимиз. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 5-7.
27. Абу Райхон Беруний. Қонуни Масъудий. Учинчи бўлим. -Т.V. – Т.: Фан, 1973. – Б. 148.